

Таникли ёзувчи ва журналист Иброхим Рахим 1916 йили Фаргона вилояти Кува тумани Сойкелди кишлогида камбагал дехкон оиласида дунёга келди. Кишлок мактабини битириб, ўқитувчилик килди. Улуг Ватан урушининг дастлабки кунлариданок харбий хизматга чакирилган Иброхим Рахим ўзбек тилида чикадиган фронт газеталарига мухаррирлик килди. Жангчиларимизнинг оташин ватанпарварликларини акс эттирувчи очерклар, хикоялар, хабарлар ёзди.

1946 йилда харбий хизматдан кайтган адиб, республикамиздаги рўзнома ва ойнома мухарриятларида ишлаб келди.

Иброхим Рахим Радио комитетида (1946-1947), Партия Олий мактабида (1947-1950), «Кизил Ўзбекистон» (1950-1961) рўзномаси мухаррири, «Ўзбекфильм» киностудияси раҳбари (1960-1966), «Гулистон» (1966-1970), «Муштум» (1976-1982) ойномаларининг бош мухаррири вазифаларида ишлади.

Ёзувчининг ижодий фаолияти 1938 йилдан бошланади. Биринчи йирик асари чегарачилар хаётидан ёзилган “Баходир” (1939) поемасидир. Иброхим Рахим 1953 йили “Хаёт булоклари» романини ёзди. Кейинчалик бу асар танкидий фикр ва мулоҳазалари асосида кайта ишланиб, «Ихлос» (1958) номи билан чоп этилди.

«Чин мухаббат» (1958) ва «Фидойилар» (1972), «Генерал Равшанов» (1985) каби романларида Улуг Ватан уруши қаҳрамонларининг хаёти, ватанпарварлиги акс эттирилган.

1966 йилги Тошкент зилзиласи ва унинг оқибатларини мардонавор тугатиш хадида ёзувчи «Тинимсиз шахар» (1968) романини ёзди. Уснинг «Такдир» романи эса янги шахар курилишига багишлиланган. Муаллифнинг «Хилола» (1960) киссаси жамоа хўжалиги хотип-қизларнинг ўрни, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, жамоа хўжалиги иктисодиётини юксалтириш сингари ўз даврининг мухим муаммоларини бадиий хал килишга багишлиланган. Ёзувчининг «Зангори кема капитани», «Оловкор» (1960) киссаларида хам кишиларимизни юксак маънавий кнёфаси, меҳнатдаги қаҳрамонликлар акс этган. «Оқибат» номли романига Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти (1983) берилган.

Иброхим Рахим 1974 йилда «Жоним фидо» ва «Чакмок» номли драмалар хам яратди. «Чакмок»да Белоруссия ўрмонларида немис-фашист боскинчиларига карши курашган, ажойиб партизан, ўзбек йигити Мамадали Топиболдиев образи яратилган. У «Фарходнинг жасорати» кинофильмининг автори хамдир. Адиб Ватан ва халк олдидаги хизматлари учун орден ва медаллар билан тақдирланган.

Ёзувчи Иброхим Рахим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халк ёзувчиси хамдир.

Иброхим Рахим ранг-баранг жанрларда ёзган асарлари билан ўзбек адабиётининг

ривожига муносиб хисса кўшиб келмоқда.